

1914093585- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “01” январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 30.12.2021 даги 27-01-14/6019-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияниң ТШТТ филиали директори Рустамов Ф.Ш. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH VAZIRLIGI номидан Устав (Низом, рўйхатта олинганлар тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *Н. Назаров* (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномаси имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги Абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офертаси) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офертаси Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептгани) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномаси имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентифиکация ракамини беради. Идентифиқация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатилиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномаси имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномаси имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартномаси амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартномаси бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартномаси тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартномаси тузилган вақтда белгиланган барча солисиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиши учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартномаси тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз)** фойз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартномасининг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартномасининг умумий суммаси ушбу Шартномасининг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартномасининг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган холда) **(3060 000)** сўмнини ташкил этади. Ушбу сумма **(3 060 000)** сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда **()** микдоридаги бир марталик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартномасининг умумий суммаси ошиб кептан тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномаси асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичилади ушбу Шартномаси тузилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакими тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатилиши учун старли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартномасининг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилиши тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларни олдинни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни иктиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офертаси қонидлари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришишида реклама акциялари дойрасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлар учун тўланиши мумкин ва Шартномаси бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Агар Абонент тақдим этилган хизматлар, Шартномаси мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентта хизматлардан фойдаланиши имконияти берилиши мумкин.**

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариши билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган холда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиши тартибига солувчи конун хужжатлари нормаларни бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупцияни ҳолатларига муросасиз курашиши чораларини кўради. 6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фолиятларига боғлиқ бўлмаган хар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шакидда тақдим этилган ариза/эътироzonma/шикоят/тақлиф қўринишидаги мурожаати кўпли билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шакидда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбик этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттире ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор килинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцентини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганини хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этиади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳукукий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битга нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК ТШТТ филиали	АБОНЕНТ: O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO’RSATISH VAZIRLIGI
Манзил: Банк маълумотлари: х/р: 20210000704074838066 СТИР 203366731 МФО 00401 АТБ “Алокабанк” Тел: 712321515; E-mail: info@upr.tshtt.uz	Манзил: Банк маълумотлари: х/р: 100035, O’zb. Respublikasi shahar, Yunusobod tumani, МФО: 100035, O’zb. Respublikasi shahar, Yunusobod tumani, БАНК Номи: Нуузбек ўзб. Адмаси, тел: 237-06-88, Faks: 237-07-44 Тел: 100010000262007069100110001 E-mail: mifir 100010000262007069100110001 STIR 304931516 OKED 84111 MOLIYA VAZIRLIGI GAZNACHILIGI G/b/r 23402000300140001010
Оператор номидан: Рустамов Ф.Ш. /имзо/ м.ў.	Абонент номидан: — /имзо/ М.П.

2-бет. _____ – соп АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Абонент
Рустамов Ф.Ш.
имзо
м.ў.*

2022 йил “01” январь
1914093585-соилии абонент шартномасига
1-илова

Кўреатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	КҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% КҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.2	Хар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)				
1.3	Хар бир статик IP уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови				
II. Хар ойлик абонент тўловлари					
	Интернет ва Tas-IX тармоғига уланиш тезлиги 100Мб/с Соргорате-7 тарифида Интернет ва Tas-IX тармоғига уланиш тезлиги 00:00дан 19:00гача 100мбит/сек Интернет ва Tas-IX тармоғига уланиш тезлиги 19:00дан 00:00гача 25мбит/сек				
2.1	Интернет Абонент тўлови	1 000 000,00	Нархнома	1	1 000 000,00
2.2	Статик IP абонент тўлови	20 000,00	Нархнома	1	20 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				1 020 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 1 020 000,00 (бир миллион йигирма минг) сўм, шу жумладан, КҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори (3 060 000) сўмни ташкил этади. Ундан 1 020 000,00 (бир миллион йигирма минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
ТШТТ филиали


АБОНЕНТ:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT
KO'RSATISH VAZIRLIGI

Оператор номидан:

Директор Рустамов Ф.Ш.

/имзо/

м.ў/



Абонент номидан:



3-бет. _____ – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ